

## **МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ НУТҚИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ**

**Шахноза Хикматуллаевна Акбарова**  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Мумтоз шарқ филологияси факультети,  
Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси доценти,  
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

### **АННОТАЦИЯ**

*Мазкур мақолада мактабгача ёшдаги болаларда нутқнинг шаклланиши, унинг ривожланиши жараёни ва ижтимоий аҳамияти таҳлил қилинган. Нутқ боланинг когнитив ривожланиши ва ижтимоий муносабатларида муҳим ўрин тутиши қайд этилган. Болаларда нутқ босқичма-босқич шаклланиб, бир ёшдан бошлаб мураккаб тил бирликлари ва грамматик тузилмалар ўзлаштирилади. Тадқиқотда боланинг тил ўрганишидаги тақлидчилик хусусияти, оила ва бозор муҳитидаги мулоқотнинг роли ҳамда ҳис-ҳаяжонларга бой экспрессив нутқни ривожлантириш аҳамияти кўрсатилган. Боланинг ёши ўтган сари лугат бойлиги кенгайиши, грамматик тузилмаларни ўзлаштириши ва сўзларнинг маъноларини тўғри англаши каби жараёнлар изчил тавсифланган.*

**Калит сўзлар:** нутқ ривожланиши, мактабгача ёш, болалар нутқи, лугат бойлиги, экспрессив нутқ, лингводидактика, тақлидчанлик, мулоқот, грамматик тузилмалар, педагогик ёндашув.

### **АННОТАЦИЯ**

*В данной статье анализируются формирование речи у детей дошкольного возраста, процесс её развития и социальная значимость. Отмечено, что речь играет важную роль в когнитивном развитии и социальных отношениях ребёнка. Речь у детей формируется постепенно, начиная с одного года, и включает освоение сложных языковых единиц и грамматических структур. В исследовании подчёркивается значение подражания в процессе изучения языка, роль общения в семье и в детском саду, а также развитие эмоционально насыщенной экспрессивной речи. Процессы расширения словарного запаса, освоения грамматических структур и правильного понимания значений слов по мере взросления ребёнка подробно описаны.*

**Ключевые слова:** развитие речи, дошкольный возраст, речь детей, словарный запас, экспрессивная речь, лингводидактика, подражание, общение, грамматические структуры, педагогический подход.

## ANNOTATION

*This article analyzes the formation of speech in preschool children, the process of its development, and its social significance. It is noted that speech plays an important role in the cognitive development and social interactions of a child. Children's speech develops gradually, starting at the age of one, involving the acquisition of complex linguistic units and grammatical structures. The study highlights the importance of imitation in language learning, the role of communication within the family and kindergarten environments, as well as the development of emotionally rich expressive speech. The processes of vocabulary expansion, mastery of grammatical structures, and accurate comprehension of word meanings as the child grows older are systematically described.*

**Keywords:** *speech development, preschool age, children's speech, vocabulary, expressive speech, linguodidactics, imitation, communication, grammatical structures, pedagogical approach.*

## КИРИШ

Эрта болалик даврида болада мулоқотга эҳтиёж пайдо бўлади ва у бунинг содда нутқ воситалари орқали қондиради. Аввало, нутқ ижтимоий ҳодиса, мулоқот воситаси сифатида юзага келади, кейинроқ теварак- оламни билиш, ўз хатти-ҳаракатларини режалаштириш воситаси сифатида ҳам намоён бўла бошлайди. Бола физиологик ривожланар экан, борган сари мураккаброқ тил бирликларидан фойдаланади: луғат бойлигини кенгайтиради, ибораларни ўзлаштиради, сўз ясаши, сўз ўзгаришлари ва сўз бирикмаси ҳамда синтактик конструкцияларни амалий қўллаш малакаларига эга бўлиб боради [1; 23-б.].

Мактабгача ёшдаги болаларнинг нутқни эгаллаши ва уларнинг нутқини ўстириш жараёнлари боланинг ўқув фаолиятига нутқий тайёрлиги масаласи билан узвий боғлиқ бўлиб, кўпчилик тадқиқотчиларнинг фикрича, нутқ жараёнининг шаклланиш даражаси муваффақиятли таълим омили, атроф-муҳитни англашнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

Нутқ фаолиятини шакллантиришда тил воситалари, шунингдек, ҳамсуҳбатнинг гапларини аниқ ва тўғри идрок этишга имкон берувчи кўникмалар орқали фикрларни тўлиқ, аниқ ва тиниқ ифодалаш малакаларини шакллантириш зарур. Нутқ фаолиятининг туғилиш жараёни олимлар томонидан ҳар доим ҳам бир хил талқин этилмайди. Унинг муҳим жиҳатлари А.А.Леонтьев томонидан қуйидаги кетма-кетликда ажратиб кўрсатилган: 1) мотивация - у нутқни ишга солиш механизми ҳисобланади; 2) нутқнинг мақсади; 3) нутқ мазмунини шакллантириш-бу босқичда сўзловчи нима ҳақда

сўзлашини билади, аммо қандай ифода этишни ҳали билмайди; 4) фикрнинг сўзга айланиши [2].

Кўринадики, болаларнинг психик ривожланиши уларнинг нутқи орқали намоён бўлади, шу боис лингводидактик жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш керак бўлади. Мактабгача ёшдаги болаларда тақлидчанлик хусусияти айниқса унинг нутқи ривожланишига катта ижобий таъсир кўрсатади. Мактабгача ёшдаги болалар илк ёшдан оқ аввал оила муҳитида, кейинчалик боғчада элементар оғзаки нутқни катталарга тақлид қилиб ўзлаштира бошлайдилар. Гўдакка айтилган алла, эркалатишлар, овутмачоқлар бола нутқининг ривожланишига асос бўлади. Бола тинглаган ҳар қандай оҳанг унинг руҳини кўтариб, кайфиятини яхшилади.

Она тилидаги нутқни эгаллаш ва ўстириш боланинг мактабгача бўлган даврда эгаллаган энг муҳим жиҳат ҳисобланиб, болаларни тарбиялаш ва уларга таълим беришда асос сифатида кўрилади. Бу даврда мактабгача ёшдаги болалар нутқида луғат бойлигининг сезиларли ўсиши кузатилади. Бир қатор психолог, лингвист олимлар болаларнинг икки ёшдан то беш-олти ёшгача бўлган даврда гапиришни деярли қийналмай ўрганиб олишларини таъкидлаб ўтишган [3].

Уч ёшдан етти ёшгача болалар гапларнинг тузилишини ўзлаштирадилар. Тўрт ёшли болаларда мураккаб гапларнинг биринчи тузилмалари қайд этилади. Мактабгача даврда боланинг луғат бойлиги сифат таркиби жиҳатдан қуйидаги тарзда ривожланади:

1) бир ёшга тўлган болаларнинг барчасини ҳам тили чиққан деб бўлмайди, бундай болалар ҳали гўдак ҳисобланиб, улар овқатланиш эҳтиёжи билан билан боғлиқ сўзларни чала тарзда талаффуз қилиш кузатилади;

2) икки ёшли болалар луғати ўз яқинлари, ўйинчоқларининг номлари билан бойиб бориши кузатилади, лекин уларнинг талаффуз қилиш даражаси ҳали тўлиқ бўлмайди;

3) уч ёшли болаларнинг айримларининг нутқи равонлашади улар атрофларидаги ўзларига таниш нарсаларни барчасини, санок, ранг номларини луғатларида қўллайдилар;

4) тўрт ёшга қадам қўйганида болалар луғати маиший ҳаётда дуч келадиган ҳаракатлар ва буюмлар номлари, 10-20гача санаш, рангларни, ҳажм-шаклни фарқлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари, сабзавот, мевалар билан тўлдирилади;

5) беш ёшга қадам қўйганида кундалик турмушда ишлатиладиган буюмлар, уй жиҳозлари билан табиий ҳодисалар номлари, уй ҳайвонларининг номлари, турли материаллардан фаол фойдаланиш кузатилади;

6) олти ёшда бола нутқида сифат ва хусусиятлар (нордон, оч ҳаворанг, мустаҳкам, қаттиқ) ифодаланади. Материаллар, уй ва ёввойи ҳайвонлар ҳамда уларнинг болалари ҳақидаги билимлар кенгайтирилади.

7) етти ёшда сўз бирикмаларига антоним ва синонимлар топиш рўй беради, сўзларнинг кўп маънолилиги муайян даражада ўзлаштирилади, ясама сўзлар мураккаб тузилишли сўзларни мустақил ташкил этиш, ўхшаш ва яқин сўзларни танлаш жараёни боради [4; 246-б.].

Ушбу даврларни К.И.Чуковский қуйидагича таърифлаган: кичикроқ ёшдаги (уч-тўрт яшар) болаларга тилни “кучли ҳис этиш” хусусияти хос. Уч ёшдан тўрт ёшгача болада лингвистик қобилият, айниқса, юқори намоён бўлади [5]. Айрим тадқиқотларда таъкидланишича, саккиз ёшга етганда боладаги бундай “тилни ўткир ҳис этиш” заифлашади. Тўққиз ёшдан кейин миядаги тил механизмларининг эгилувчанлиги камаяди ва янги шароитларга осон мослаша олмайди. Бола мияси тил ўрганишга мос қобилиятга эга, бироқ ёш катталашган сари бу қобилият камайиб боради [6; 40-б.].

Болада, шунингдек, экспрессив нутқнинг ҳам ўрни катта. Ахборотлар ички моҳиятини ташқи ҳис-ҳаяжон таркиблари билан кучайтирувчи, шахслараро муносабатни яққол ифодаланишини акс эттирувчи, овозли, тил воситаларига асосланувчи нутқ турига *экспрессив нутқ* дейилади. У тезкорлиги ва вазиятбоплиги билан бошқа нутқ турларидан ажралиб туради [7; 59- б.].

Экспрессив нутқни шакллантириш ва ривожлантириш учун нутқ ишлаб чиқарадиган барча аъзоларни доимий машқ қилдириш зарур. Айтиладиган товуш, артикуляторли мимика ва имо-ишоралар орасида мустаҳкам боғланишлар мавжуд. Ушбу товуш-мимикавий боғланишлар нутқни ҳосил қилишда ҳам, уни идрок қилишда ҳам муҳимдир. Шу боис, экспрессив нутқнинг шаклланиши учун бевосита (юзма-юз) мулоқот зарур. Бунда агар мулоқот қувончли, ҳиссиётларга бой оҳангда рўй берса, товуш реакциялари ифодали ва барқарор бўлади. Экспрессив нутққа ўргатиш, худди нутқни идрок этиш каби, *ҳиссий-сенсор-ҳаракатли* туйғулар мажмуи билан бирга шодон, таъсирли ҳолатларда амалга ошгани мақсадга мувофиқ.

## Фойдаланилган адабиётлар

1. Машарипова У.А. Инновацион таълим шароитида бошланғич синф ўқувчиларининг нутқ маданиятини шакллантириш методикаси: Дисс... пед.фан. бўйича фалсафа док. – Т.: 2018. – Б.22.
2. Леонтьев А.А. Язык, речь, речевая деятельность. Издательство: – Красанд, 2010. – 216 с.

3. Ладыгина-Котс. Н.Н. «Предпосылки человеческого мышления. (Подражательное конструирование обезьяной и детьми)». – М., 1998. – 596с.
4. Палкина А. В. Речевое развитие дошкольников в психолго-педагогических и лингвистических исследованиях // Мир науки, культуры, образования. – Москва, 2010. - № 3 (22). – С. 246.
5. Чуковский К.И. От двух до пяти. Живой как жизнь. – М.: Детская литература, 1990. – 814 с.
6. Протасова Е. Ю. Ролина Н. М. Методика обучения дошкольников иностранному языку: учебное пособие. – М., 2010. –С.40.
7. Ахмедова М., Мелибоева Р. Нутқ психологияси., - Т.: Чашма принт, 2014. - Б. 65.